КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

2026-yil, 24-fevral, seshanba

№25 (5245)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri


Президент **Шавкат Мирзиёев** қишлоқ хўжалигини махсус техника билан таъминлаш ҳамда соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш юзасидан **тақдимот билан танишди.**

* * *

**Давлатимиз раҳбари** йирик энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, энергия тизими барқарорлигини таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш масалалари бўйича **йиғилиш ўтказди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 23 февраль куни иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи **Сума Чакрабартини қабул қилди.**

* * *

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида содир бўлган фавқулодда ва мураккаб вазиятда ўз жони ва саломатлигини хавф остига қўйиб, кўп қаватли уйнинг юқори қисмидан пастга қулаб тушаётган ёш болага амалий ёрдам кўрсатгани ва унинг ҳаётини сақлаб қолгани, халқимизга хос юксак жасорат, қаҳрамонлик ва фидойилик фазилатларини яққол намоён этгани учун мард ва жасур юртдошимиз ***Ибадуллаев Хайрулло Сайдуллаевич* Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан «Жасорат» медали билан мукофотланди.**

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ДАВР




Навоий замини қадимдан савдо йўллари кесишган, маданиятлар туташган макон сифатида шаклланган. 2300 йиллик тарихга эга Кармана бугун ҳам ўтмиш ва замонавийлик уйғунлиги рамзидир.

XX асрда Навоий саноат марказига айланди: кончилик, кимё ва энергетика тармоқлари вилоят иқтисодиётининг таянчи бўлиб хизмат қилди. Бироқ XXI аср глобал рақобат шароитида фақат хомашё экспортига таянган моделнинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Энди ҳудудлар инновация, хизматлар соҳаси, туризм ва юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар орқали рақобатбардошликни таъминлаши зарур. Мазкур қарор эса айнан шу бурилиш нуқтасини белгилаб берди.

Унда ялпи ҳудудий маҳсулотни 7,9 фоизга ошириш, қарийб 5 миллиард долларлик хорижий инвестиция жалб қилиш ва 1,5 миллиард долларлик экспортни таъминлаш каби аниқ ва улкан марралар белгиланган. 42 та янги конни ишга тушириш саноат салоҳиятини мустаҳкамлайди. Ҳужжатнинг энг муҳим жиҳати инсон омилига устувор эътибор қаратилганидир. 4,5 минг нафар аҳолини бозор талабига мос касбларга ўқитиш, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, маҳаллаларни ихтисослаштириш – бу рақамлар ортида минглаб оилалар тақдири турибди. Демак, қарорнинг бош мақсади ялпи кўрсаткичлар эмас, балки аҳоли фаровонлигини оширишдир.

Мазкур ҳужжатда Кармана шаҳрини миллийлик билан уйғунлашган замонавий қиёфага келтириш, «Қадимий Кармана» туристик марказини барпо этиш, тарихий зиёратгоҳларни реставрация қилиш вазифалари белгиланган. Вилоятга 600 минг хорижий ва 3 миллион маҳаллий сайёҳ келишини таъминлаш режаси Навоийни тўлақонли туристик манзилга айлантиришни кўзлайди. Бу нафақат иқтисодий диверсификация, балки маданий меросни асраш ва ҳудуд брендини шакллантириш демакдир.

440 миллион куб метр сувни тежаш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, марказий истироҳат боғини реконструкция қилиш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш каби вазифалар иқлим ўзгариши шароитида стратегик аҳамиятга эга. Барқарор тараққиёт иқтисодий ўсиш билан бир қаторда экологик мувозанатни ҳам талаб қилади.

Ҳужжат доирасида 39 та драйвер лойиҳа орқали инфратузилмани яхшилаш, инвестиция муҳитини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш вазифалари аниқ кўрсатилган. Молиялаштириш ва амалга ошириш муддатларининг белгилаб қўйилиши ижрони таъминлашда масъулиятни кучайтиради.

Алоҳида эътибор қаратилган йўналишлардан яна бири Хатирчи туманида майизчилик кластерини ташкил этишдир. Узум етиштиришдан тортиб, қайта ишлаш, қуритиш, саралаш, қадоқлаш ва экспортга чиқаришгача бўлган жараён аниқ режалаштирилган. Томчилатиб суғориш тизимларининг жорий этилиши сув тежамкорлигини таъминлаб, ҳосилдорликни оширади. Натижада янги иш ўринлари, барқарор даромад манбалари ва экспорт салоҳияти юзага келади.

Қизилтепа туманида чорвачиликка ихтисослашган компания ташкил этилиши эса агросаноат тармоғини диверсификациялашга хизмат қилади. Бу ташаббус Томди, Навбаҳор, Учқудуқ ва Конимех туманларини ҳам қамраб олиб, ҳудудлараро кооперацияни мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори Навоий вилояти учун, ҳақиқатан ҳам, тарихий бурилиш нуқтасидир. У хомашёга таянган иқтисодиётдан қўшимча қиймат яратадиган, инсон капиталига суянган ва экологик барқарорликни таъминлайдиган янги моделга ўтишни англатади. Агар белгиланган вазифалар тўлиқ ва сифатли амалга оширилса, Навоий вилояти нафақат саноат маркази, балки инновация, туризм ва замонавий агросаноат ҳудуди сифатида янги қиёфада намоён бўлади.

**Назира ТОҒАЕВА,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси*

Мақолани батафсил ўқиш учун Ishonch.uz сайтига ўтинг:

**Пойтахт аҳолиси 2025 йилда 1,5 млн марта тез ёрдам чақирган**

Мақолани батафсил ўқиш учун Ishonch.uz сайтига ўтинг:

**Мактаб ва боғчаларда бахтсиз ҳодисалар сони ортиб бормоқда**

# ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҲАМ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТУЗИЛАДИ

**Айни кунларда шаҳар ва туман кенгашларида 2025 йилда қабул қилинган жамоа шартномаларининг ижроси таҳлил қилинмоқда. Айтиш лозимки, 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича амалий ишлар изчил давом этмоқда.**

Бу жараёнда ўқув-семинарлар муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, жорий йил илк бор туманлардаги фермер ва деҳқон хўжаликларида касаба уюшмаси ташкилотларини тузиш ҳамда янги жамоа шартномаларини ишлаб чиқишга бағишланган ўқув-семинарлар ташкил этилди. Улар орқали ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари, қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси, мавсумий ишчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Яқинда Нишон, Миришкор, Косон, Муборак ва Касби туманлари кенгашлари раислари ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари иштирокида амалий семинар ўтказилди. Унда жамоа шартномаларини тўғри ва самарали тузиш, уларда ходимлар манфаатларини тўлиқ акс эттириш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Савол-жавоблар, фикрлар алмашиш тадбирнинг амалий аҳамиятини янада оширди.

Мазкур ўқувлар нафақат ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш, балки иш берувчи ва ходим ўртасида ўзаро ишонч муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Чунки пухта ишланган жамоа шартномаси барқарор ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳимоя ва адолатли меҳнат муносабатларининг кафолатидир.

**Ботир ИСЛОМОВ,**
*Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Касби туман кенгаши раиси*

**«Ishonch» саволи**

**Давлат тилини ривожлантириш департаменти диққатига!**

# МЖтКнинг деярли ишлатилмайдиган моддаси

## ёки давлат тилини менсимаганлар нега жавобгарликка тортилмаяпти?

**Ижтимоий тармоқда кўзингиз тушган бўлса керак: бир ойлар аввал Сурхондарёда чиқиндидан энергия олиш йўналиши бўйича муҳим лойиҳага пойдевор қўйилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда вилоят раҳбарияти ҳам иштирок этган. Бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки саҳнага ўрнатилган улкан матоли лавҳадаги ёзувлар хусусида. Яъни хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қўл урилган тадбир мавзуси хитой ва рус тилида акс эттирилгану, аммо ўзбек тилидаги бирор жумлага кўзингиз тушмайди. Ушбу масала давлат тилига бефарқ бўлмаган айрим ватандошлар томонидан тармоқда муҳокамаларга олиб чиқилди, аммо мавзу юзасидан бирор ваколатли идоранинг расмий изоҳини учратмадик.**




Яшириб нима ҳам қилдик, тилга олинган воқелик ягона мисол эмас. Турли даражадаги тадбирларда, айрим объектлар ва жамоат жойларида ўрнатилган пешлавҳалар, эслатмалар ва кўрсаткичларда рус, инглиз, хитой тилларидаги ёзувлар битилган, бироқ давлат тилидагиси «унутилган» ҳолатлар тез-тез учраб туради. Албатта, Ўзбекистон – байналмилал юрт, турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Ўзга тилларга нисбатан эътироз ёки ҳурматсизлик бўлиши мумкин эмас. Лекин муайян маълумотни бир неча тилда жамоатчиликка етказмоқ мақсад қилинар экан, энг аввало, ўзбек тилида ёзилиши керак эмасми? Давлат тилини ривожлантириш департаменти шу масалада нега суст назорат олиб боряпти?

Биламизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддаси «Давлат тили тўғрисидаги қонунчиликни бузиш» деб номланади. Ушбу нормага кўра, фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Олий суднинг интерактив хизматлар порталидаги суд қарорлари жамланмасидан кўринишича, 2025 йилда мамлакат бўйича давлат тили тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ биттагина (!) маъмурий иш кўриб чиқилган. Бунисига нима дейсиз? У ҳам бўлса, ўзга миллатли ватандошимиз фейсбук фойдаланувчиларидан бири билан тортишув асносида ўз тили камситилганлигидан арз қилиб, тегишли органга мурожаат этганлиги натижасида қўзғатилган.

Тўғри, бу масалада маъмурий иш қўзғатиш ваколати адлия ва прокуратура органларига берилган. Бироқ, ҳеч бўлмаганда, жиддий эътирозга сабаб бўлаётган ҳолатлар юзасидан департамент давлат назоратини олиб борувчи тузилма сифатида иш қўзғатишга ваколатли идораларга ҳужжатларни тақдим этса бўлмайдими?

Сурхондарёдаги ҳолат мисолида айтиш мумкинки, шу ва шунга ўхшаш вазиятларда республика миқёсидаги идоралар раҳбарияти ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчилари хизмат одоби нуқтаи назаридан айни масалада ҳар доим ҳам раҳбарига қарши боbooлмаслиги мумкин. Аммо шундай кезларда Давлат тилини ривожлантириш департаменти бошқаларга ибрат бўлиши учун ҳам юқоридаги қонун нормасини ишлатишга амалий ҳаракат қилса бўлади-ку?! Ёки бутун бошли тузилма, машҳур адибимиз ибораси билан айтганда, «ҳуштак чалишга» ҳам ярамайдими?

**Нурилло НЎЪМОНОВ**
*«ISHONCH»*

*Ҳар бир киши – бутун бир китобдир,*
*ҳамма гап уни ўқий олишда.*
*Уильям Ченнинг*

# МАВЖУДАНИНГ ХАВОТИРИ АРИДИ

**Касаба уюшмаси аралашгач...**

**Ҳаёт кутилмаган синовларга тўла. Айниқса, соғлиққа дахл қиладиган мусибат инсонни бир зумда ночор аҳволга солиб қўяди. Бундан нафақат унинг ўзи, балки бутун оиласи азият чекади. Дарддан халос бўлиши учун эса атрофдагиларнинг меҳри ва қўллаб-қувватлови катта аҳамиятга эга.**

Республика тез тиббий ёрдам маркази Жиззах вилояти филиали Мирзачўл тумани бўлимида бека лавозимида фаолият юритаётган Мавжуда Юсупова бошига ҳаёт ана шундай оғир синовларни солди. Ишхонасидаги зинапоядан кўтарилаётганда йиқилиб, оёғининг болдир суякларини синдириб олди. Шифохонада ётаркан, «Энди тўрт болам, икки набирамнинг аҳволи нима кечади? Қизимнинг контракт тўловини қандай тўлайман?» деган саволлар қалбини эзди. Чунки турмуши бузилгани туфайли ҳаётнинг барча ташвишларини ёлғиз ўзи енгиб келаётганди.

У даволаниши учун 10 миллион сўм миқорида кредит олишга мажбур бўлди. Дастлаб Дўстлик тумани ва Жиззах шаҳридаги тиббиёт муассасаларида муолажа олди. Сўнгра Самарқанд шаҳрида жарроҳлик амалиётини ўтказди.

Бу вақт давомида ишхонасидагилар уни ёлғизлатиб қўйишмади. Касаллик варақаси асосида уч ойлик иш ҳақи тўлаб берилди, шунингдек, уч марта моддий ёрдам кўрсатилди. Яқинлари, айниқса, укаси ҳам қўлидан келганча ёрдам берди. Аммо узоқ даволаниш, оилавий харажатлар, фарзандлар таълими, кредит мажбуриятлари уни ҳолдан тойдирди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилиб, товон пули ундиришда амалий ёрдам сўради. Касаба уюшмаси аралашуви билан суғурта компаниясидан 49 миллион сўм миқдорида бир марталик товон пули ундирилди.

М.Юсупова соғайиб, оёққа тургач, ўз ишига қайтадиган бўлди. Раҳбар ва ҳамкасблари уни самимият ила кутиб олишди.

**Обиджон РАҲМАТОВ,**
*Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори*

**Ҳисобот**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ИЖРОСИ – ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ





**Урганч ихтисослаштирилган санъат мактаби жамоасининг навбатдаги йиғилишида ушбу таълим муассасаси директори ва касаба уюшмаси қўмитаси раиси томонидан 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши якунлари юзасидан ҳисобот тақдим этилди.**

Таъкидланишича, ҳисобот даврида ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

– Ходимлар учун қулай иш ва дам олиш шарт-шароитлари яратиш, меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий амал қилиш доимий эътиборимизда, – деди мактаб директори Ҳамид Сапаев.

2025 йилда ходимларнинг иш ҳақи тўловлари учун 10 миллиард 806 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Меҳнат муҳофазасини таъминлаш учун эса 11 миллион 276 минг сўм ажратилди. Шунингдек, касаба уюшмаси ва маъмурият ҳамкорлигида ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, уч кишига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди, яна уч нафар ходимнинг фарзандлари оромгоҳларда дам олиш имкониятига эга бўлди.

Мустақиллик байрами ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан барча ходимлар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, касаба уюшмаси томонидан 12 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Бухоро, Самарқанд ва Зоминга саёҳатлар уюштирилди. Янги йил байрами муносабати билан 166 нафар ходимнинг фарзандларига байрам совғалари улашилди.

Мактабда меҳнат шароитларини яхшилаш, ўқув хоналарини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ахборот-ресурс марказини бойитиш ва «Устоз – шогирд» анъанасини ривожлантириш бўйича ҳам талай ишлар бажарилди. Айниқса, спорт ва соғломлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларни изчил йўлга қўйиш учун 35 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Йиғилиш якунида 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси тасдиқланди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди.

**Ражаббиби АТАЕВА,**
*Урганч ихтисослаштирилган санъат мактаби бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси*

**Етакчининг бир куни**

# ШИФОКОРЛАР ДАРДДОШИ

**Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасида ҳар куни тонг отиши биланоқ ҳаёт қайнайди. Чунки бу масканда беморларга шифо улашиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш устувор вазифалардан саналади. Ана шундай эзгу ишларга бош-қош бўлаётган фаол ва ташаббускор инсонлардан бири касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шаҳноза Кимёназаровадир.**

Душанба. Соат 7:30. Ҳали хоналар эшиклари тўлиқ очилмасиданоқ бирлашма ҳовлисида жамоа аъзолари жам бўлишди. Бу ерда «Ассалом, тонг!» гимнастикаси тадбири ўтказилмоқда. Шифокорлар, ҳамширалар, кичик тиббиёт ходимлари ва техник хизмат вакиллари бир сафда туриб, жисмоний машқларни бажаришмоқда. Бу нафақат соғлом турмуш тарзининг амалий ифодаси, балки жамоада кўтаринки руҳ ва бирдамликни таъминловчи муҳим омил ҳамдир.

Шу куни спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди. Ёш шифокорлардан иборат жамоа қўшни Поп ва Давлатобод туманлари жамоалари билан мини-футбол, волейбол, шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича беллашди. Бу тадбирлар жараёнида ходимлар дам олишдан ташқари жамоавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, ўзаро ҳурмат ва ишончни оширишга ҳаракат қилишди. Эътиборли жиҳати, касаба уюшмаси ташаббуси билан йил давомида «Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам», оммавий югуриш ва соғлом овқатланишни тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Соат 10:00 да қабул бошланди. Айримлар меҳнат таътили, баъзилар моддий ёрдам, яна кимдир устама ҳақи ёки иш шароити билан боғлиқ муаммоларини баён этди. Мурожаатларни диққат билан тинглаш, уларга қонуний ва адолатли ечим топиш касаба уюшмаси фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Маълумотларга кўра, 2025 йил давомида жами 1 минг 223 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 1 минг 100 таси ижобий ҳал этилган. Бу жамоада мурожаатлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилганини кўрсатади.

Тушдан кейин меҳнат муҳофазаси комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда турли лавозимларда фаолият юритаётган ходимлар учун ишлаб чиқилган 35 турдаги меҳнат муҳофазаси йўриқномасининг ижроси муҳокама қилинди. Айниқса, электр ускуналарининг техник ҳолатини текшириш, ходимларни шахсий ҳимоя воситалари ва гигиена анжомлари билан таъминлаш, иш жойларида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бултур ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилди. Хусусан, тунги вақтда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш, байрам кунларида икки ҳисса миқдорида иш ҳақи бериш, ходимлар малакасини ошириш, моддий ёрдам кўрсатиш ва меҳнат шароитини яхшилаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада бир ходим ҳиссасига тўғри келган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми 12 миллион сўмдан ошди. Бу эса амалга оширилган ишлар ҳар бир ходим ҳаётида ўз ифодасини топаётганини англатади.

Кун якунида «Аёллар дафтари» бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам кўриб чиқилди. Эҳтиёжманд хотин-қизларни аниқлаш, уларни рўйхатга олиш, маълумотларни ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари тизимли равишда ташкил этилгани қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шаҳноза Кимёназарованинг иш куни оддий раҳбарнинг кун тартибидан фарқ қилади. Фаолияти асосини инсонлар билан мулоқот, уларнинг дарду ташвишларини эшитиш, муаммоларига ечим топиш, жамоада соғлом ва адолатли муҳит яратиш каби муҳим вазифалар ташкил этади.

Бир қарашда оддий кўринган бир иш куни ортида катта меҳнат, юксак масъулият ва инсонларга бўлган чексиз ҳурмат мужассамлашган. Зеро, жамоа манфаатини ҳимоя қилиш фақат вазифа эмас, балки ишонч ва масъулиятдир.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*



**Ҳамкорлик**

# ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ

**Мамлакатимизда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар фақат иқтисодий манфаатлар билан эмас, балки қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат тамойиллари билан ҳам мувозанатланиши зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, суд органлари ва касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда муҳим институционал механизм сифатида намоён бўлмоқда.**

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди томонидан кўриб чиқилган иш ана шу ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлди. Унда Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раҳбарияти вакиллари иштирок этиб, судга тегишли илтимоснома киритишди. У меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши, касаба уюшмаси ташкилотини тузиш ва жамоа шартномасини қабул қилиш зарурлигига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Гап шундаки, «New Silk Road and Gas» МЧЖда ўрганиш олиб борилганида, унда касаба уюшмаси ташкилоти мавжуд эмаслиги, жамоа шартномаси тузилмагани, ички меъёрий ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилмагани аниқланди. Бу меҳнат муносабатларида ҳуқуқий бўшлиқларни келтириб чиқариши, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси заифлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Илтимосномага Конституциянинг 73-моддаси ҳамда Меҳнат кодексининг 6, 25 ва 42-моддалари талаблари асос қилиб олинди. Мазкур нормалар ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикликни таъминлаш ва жамоа шартномаларини тузиш мажбуриятини белгилайди. Суд илтимосномани ҳар томонлама ўрганиб, ҳуқуқий жиҳатдан асосли, деб топди ва хусусий ажрим чиқарди. Бу фақат муайян иш доирасидаги қарор эмас, балки қонун бузилишига сабаб бўлган омилларни бартараф этишга қаратилган профилактик чора ҳамдир.

Мутахассислар фикрича, жамоа шартномаси иш берувчи ва ходим ўртасидаги «ҳуқуқий кафолатлар харитаси» ҳисобланади. У иш ҳақи, меҳнат шароити, ижтимоий кафолатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини аниқ белгилаб беради. Касаба уюшмаси эса ушбу келишув бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Суд томонидан чиқарилган хусусий ажримга кўра, иш берувчига қонунчилик талабларини бажариш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Бу бошқа иш берувчилар учун ҳам ҳуқуқий сигнал вазифасини ўтайди.

Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳар бир корхона ва ташкилотда касаба уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий шериклик механизмларини кучайтиришдир. Суд ва касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали моделига айланмоқда. Хусусий ажримлар орқали қонунбузилишларнинг олдини олиш, профилактик таъсир чораларини қўллаш амалиёти кучаймоқда. Зеро, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш фақат алоҳида бир ташкилотнинг эмас, балки бутун жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминловчи муҳим мезондир.

**Сарвар САИДОВ,**
*Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг етакчи юрисконсульти*

**Мулоқот**

# БИР САҲНАДА ИККИ ИЖОДКОР

**Китоб ўқиладиган жойда фикр уйғонади. Фикр бор жойда эса тараққиёт бўлади. Бугун китобхонлик маданиятини юксалтириш нафақат маънавий эҳтиёж, балки давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланмоқда. Бу борада қабул қилинган қарорлар жамиятда мутолаа муҳитини мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларни китобга ошно этишга қаратилган.**

Бухоро вилоятида ҳам ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш ниятида Бухоро давлат университетида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ана шундай ташаббусларнинг мантиқий давоми бўлди.

Кеча дастлаб мусиқий ва саҳнавий чиқишлар билан бошланди. Бобур ижодига бағишланган композициялар иштирокчиларни тарих ва адабиёт оламига етаклади.

Ижодкорлар билан жонли мулоқот кечанинг энг кутилган ва мазмунли қисмига айланди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва сухандон Муслимбек Йўлдошев иштирок этди. Икки ижодкорнинг бир саҳнадаги мулоқоти тадбирга алоҳида мазмун ва салмоқ бағишлади.

Учрашув доирасида Муҳаммадқосим Олимовнинг «Бобурнома»да бошқарув санъати» китоби тақдимоти ўтказилди. Муаллиф асарни ёзиш жараёни, манбалар устидаги изланишлар ва тарихий меросни замонавий бошқарув тафаккури билан боғлаш ғояси ҳақида батафсил тўхталди. Унинг таъкидлашича, тарихни ўқиш фақат ўтмишни билиш эмас, балки бугунги кун раҳбарлари ва ёш мутахассислар учун масъулият, адолат ва қатъият сабоқларини олиш демакдир.

Муслимбек Йўлдошев билан бўлган ижодий мулоқот эса кечага бадиий руҳ бағишлади. У ўз ҳаёт йўли, ижодга кириб келиш даври, илҳом манбалари ва шеър ёзиш жараёнлари ҳақида сўзлаб берди. Унинг фикрича, ижодкор учун энг катта устоз ҳаётнинг ўзи, энг катта мактаб эса китобдир.

Тадбирнинг савол-жавоблар қисмида талабалар ижод, китобхонлик, сўз маданияти ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

**Диловар ТЕМИРОВА,**
*Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси*

Киши ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин лоақал унинг фикр-асрори, унинг бахтсизлиги, унинг ҳаяжонига шерик бўлиш керак.

Оноре де Бальзак



Долзарб мавзу

# Картошкачилик: ДЕҲҚОННИНГ ҲАФСАЛАСИ НЕГА СЎНМОҚДА?

**Самарқандда картошкачилик драйвер соҳалардан бири саналади. Лекин охирги пайтларда унга тааллуқли рақамлар бир жойда депсиниб қолмоқда. Бунга глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги, ўғитлар қимматлашгани ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Устига-устак, 2021 йили уруғ етиштириб ёки етказиб берувчилар деҳқонларни чув туширишди. Оқибатда ҳудуддаги қатор туманлар айни соҳада катта йўқотишларга дучор бўлди. Унинг асорати ҳали-ҳануз сезилаётганини сўнгги вақтларда картошка нархи 173 фоизгача ўсгани ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.**



Дарвоқе, ўшанда Оқдарё тумани деҳқонлари ғалладан бўшаган 10 минг 57 гектар майдонга картошка экишди. Аммо 317 та фермер хўжалиги харид қилган жами қиймати 2,8 миллиард сўмлик 455 тонна уруғлик сифатсиз бўлиб чиқди. Буям етмагандай, 5 та импортчи корхона 189 та фермер хўжалигига шартнома асосида 581 тонна уруғлик етказиб беришдан бўйин товлади. 166 та фермер хўжалиги ва 34 нафар фуқарога эса уруғлик картошка ўрнига истеъмол картошкаси етказиб берилди. Ҳам маблағига, ҳам меҳнатига куйиб, ҳафсаласи пир бўлган соҳа вакилларининг кўпчилиги қўлини ювиб, қўлтиғига урди.

Тўғри, рўй берган ҳолат ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жиддий ўрганилиб, айбдорлар жазога тортилди. Импортёр корхоналардан фермер хўжаликларига 1 миллиард 647 миллион сўм ундириб берилди. Аммо бу деҳқонлар қилган меҳнат ва сарфлаган вақт ўрни қопланиши, йўқотилган ишонч тикланиши, соҳага қизиқиш кучайиши учун дастак бўла олмаяпти.

Энг ачинарлиси, импортёр корхоналар Президентимиз 2020 йил 6 майда имзолаган «Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва унинг уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга зид иш юритишди. Ҳолбуки, соҳани ривожлантиришга доир ушбу ҳужжатда масъуллар ва тегишли ташкилотлар зиммасига ҳам уруғчиликка дахлдор жиддий вазифалар юклатилган эди. Бироқ иссиқ ўриндиғидан қўзғалмаган баъзи арбоблар ёзга келиб, юқоридаги ҳолатни бир четда туриб кузатишдан нарига ўтишганича йўқ.

Албатта, инфратузилмаси, иқлим шароити, тупроқ унумдорлиги картошка етиштиришга қулай қатор ҳудудлар аҳли изланишдан тўхтамади. Масалан, вилоятнинг ушбу соҳага ихтисослашган Булунғур, Жомбой, Тойлоқ, Самарқанд, Ургут туманларидаги 173 та маҳалла аҳли ҳозир ҳам хусусий томорқаларида истеъмол ва уруғлик картошканинг элита авлодларини етиштириш чораларини кўришяпти. Биргина Булунғур туманининг Фозил Йўлдош, Ҳамид Олимжон, А.Махсумов, Навоий ва Килдон маҳаллаларида бир нечта навлар синовдан ўтказиляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу соҳа ривожида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Тойлоқ туманидаги Самарқанд илмий-тажриба станциясининг алоҳида ўрни бор. Бултур станция жамоаси далаларда картошканинг боғизоғон, раноми, эволюшин, аризона, сильвана ва лусинда навларини парваришлаган эди. Гектаридан ўртача 35-40 тонна, баъзи майдонлардан 50-52 тоннагача ҳосил олинди. Йирик ваздаги картошкалар 2 килодан ортиқ тош босди.

– Изланишларимиз самараси ўлароқ иккита янги навни давлат реестридан ўтказдик, – дейди станция раҳбари Алишер Исмоилов. – Айни кезларда янги нав селекциялари устида ишлаш асноси деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари учун баҳор ва ёз мавсумларида картошка етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган, инновацион усуллари ҳақида тавсияномалар тайёрлаяпмиз. Зеро, шароит тақозосига кўра, бугун картошка етиштиришга илмий жиҳатдан ёндашилмаса, мўлжалдаги ҳосилни олиб бўлмайди.

Соҳа мутасаддилари олдига картошкага бўлган эҳтиёжни 2027 йилдан бошлаб ички имкониятлар ҳисобидан қоплаш талаби қўйилмоқда. Ишончимиз комилки, Президентимизнинг ўтган йил 8 сентябрдаги «Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчиликни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни жабҳада туб бурилишлар бўлишига туртки беради. Чунки унда 2028 йилдан эътиборан ҳар йили картошканинг унувчанлик даражаси 85 фоиздан паст бўлмаган камида 10 млн. дона мини туганакларини етказиб бериш, 2030 йилга бориб ўртача ҳосилдорликни 16-17 тоннадан 25–30 тоннага етказиш юртимизда ушбу маҳсулотни етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгиланди.

Шунингдек, 2026 йил 1 январдан қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали картошка етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача, йиллик 12 фоиз ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга суғурта полиси асосида кредитлар ажратилади. Картошка етиштирувчилар томонидан қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ 50 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган қисми давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Самарқандда бу соҳани ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Аввало, картошка етиштириш учун мўътадил муҳитга эга, денгиз сатҳидан 800-1000 метр баландликдаги ерлар мавжуд. Қолаверса, ҳудудда картошкачилик бўйича бир нечта илмий-тадқиқот муассасаси фаолият юритмоқда. Соҳа равнақи кўп жиҳатдан «Булунғур Агро Стар» МЧЖ, Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд тажриба станцияси саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқ.

– Қарорда яқин истиқболда амалга ошириладиган ишларимиз қатъий белгилаб берилди, – дейди «Булунғур Агро Стар» МЧЖ директори ўринбосари Улуғбек Мирзаев. – Шундан келиб чиққан ҳолда, «Агрокомплекс» лойиҳаси устида ишлаяпмиз. Ҳозиргача сиғими 10 минг тонналик омборхона, 2 минг тонналик совиткич, 10 минг тонна саралаш ва қадоқлаш ҳамда лаборатория ускуналари олиб келинди. Лойиҳа тўлиқ қувватда ишга туширилса, 100 та янги иш ўрни яратилади. «Картошкачилик агротехнопарки» фойдаланишга топширилиши шарофати билан йилига ички бозорга 5 минг тонна картошка чиқаришни кўзлаб турибмиз.

МЧЖ томонидан бу йил Нидерландиянинг «Agrico Co.LTD» компаниясидан 6 минг тонна элита уруғ келтирилиши эвазига 2 минг гектар ерга картошка экилиб, 60 минг тонна ҳосил олинади. Эзгу мақсадда 2027 йилга қадар 50 минг тонна P1 уруғи ва 10 минг тонна истеъмол картошкаси захираси яратилишига замин ҳозирланмоқда. Шунингдек, юқорида номлари тилга олинган институтлар билан ҳамкорликда 1,5 миллион дона мини туганакдан супер-элита уруғлар тайёрланиб, Булунғур, Бахмал, Шаҳрисабз, Китоб ва Сўх туманлари далаларида уруғчилик тизимини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Мутахассиснинг айтишича, режалаштирилган ишлар қаторида вирусдан холи 10 минг дона микроўсимликлар ин-витро лабораториясида етиштирилган. Бу тажриба «Булунғур Агро Стар» илмий амалиётдаги биринчи сертификатлаштирилган лойиҳа бўлиб, 740 тонна элита уруғ етиштиришга шароит яратган. Булунғур туманидаги Хўжамазгил маҳалласида 100 гектар ерга «Картошкачилик агротехнопарки» лойиҳаси доирасида замонавий суғориш тизимлари ўрнатилиб, 56 гектар майдонга эртаки картошка экилган. Бундан ташқари, қиймати 68 миллиард сўмлик «Агрокомплекс лойиҳаси» доирасидаги ишлар бошлаб юборилган. Мазкур мажмуа таркибида сиғими 10 минг тонналик омборхона, 2 минг тонналик совиткич, лаборатория, ўқув маркази ва ётоқхона барпо этилади.

Қарорга мувофиқ, МЧЖ томонидан маҳаллий шароитга мос 6000 тонна уруғ Голландиядан келтирилиб, картошкачиликка ихтисослашган хўжаликларга устамаларсиз тарқатилмоқда. Картошканинг мини тугунакларини етиштиришга астойдил киришган Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти олимлари салмоқли натижаларга эришмоқдалар.

– Биз 2024 йилдан буён Жанубий Корея уруғчилик маркази билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, – дейди институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Бобур Эшонқулов. – Натижада бу йил томорқалари бор аҳолига, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига 1000 тонна, 2029 йилга бориб эса, 600000 тонна маҳаллий шароитга мос ҳамда касалликларга чидамли серҳосил картошка навларини етиштириб беришни мўлжаллаяпмиз.

Кўриб турганингиздек, картошкачиликни ривожлантириш борасидаги ҳозирги ҳаракатлар чакки эмас. Фақат глобал иқлим шароити бу соҳада ҳам инновацион ёндашувни талаб этаётганини унутмаслик керак. Негаки, энди илгаригидек экиннинг бўғзига тупроқ тортишу уни суғориш билангина мурод ҳосил бўлмайди. Иқлим синовларини енгиб ўтиш учун эса чуқур билим ва тажриба керак. Буни томорқасига ёки даласига картошка эккан деҳқон ҳам, фермер ҳам чуқур англаб етмоғи лозим. Акс ҳолда, энг сара уруғдан ҳам мўл ҳосил олиб бўлмайди. Бироқ, соҳа мутасаддилари ва олимлар билан мулоқотларимиз чоғида англашимизча, ҳозир картошкачилик бўйича олиб борилаётган изланишларга эътибор бирмунча суст. Ўтказилаётган амалий семинарлар иштирокчилари сони ўттиз-қирқ нафардан ошмаган. Уйма-уй юриб тушунтиришга эса на вақт, на имкон бор...

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*

---

Мушоҳада

# КРЕДИТ ВА ҚИМОР СИРТМОҒИ:
## у инсонларни қандай илинтирмоқда?




**Бир аёлнинг ёзган мактуби шу мавзуни кўтаришга мажбур қилди. У кичик идорада оддий ходим бўлиб ишлар, маоши ҳам ҳаминқадар экан. Турмуш ўртоғи онлайн қиморга аралашиб, катта пул ютқазиб қўйгач, аёлининг номига катта миқдорда кредит олиб, уни ҳам қиморга тиккан. Оқибатда аёлнинг топган-тутганини банк ечиб олаётган экан. «Соғлиғимда жиддий муаммолар пайдо бўлди. Докторга кўринай, даволанай десам, бор маблағимни банк ечиб олади. Шунча ишлаб, топган пулимни қарз ва фоизларга тўлаётганим, устига-устак соғлиғимдан жудо бўлаётганим алам қиляпти», дейди у.**

Афсуски, бу каби кишини чуқур ўйлантириб қўядиган ҳолатлар жуда кўп. Бугун кўпчилик ўйламасдан кредит олишга муккасидан кетяпти. Янаям ачинарлиси, маблағларнинг бир қисми мутлақо фойдасиз сарф-харажатларга кетмоқда (кредит олиб бадабанг тўй қилувчиларни мутлақо тушунмай ўтиб кетсак керак). Онлайн қимор ўйинлари ҳам шулар жумласидандир.

Аслида кредит маблағлари зарур харажат ёки бирор мақсад учун олинадиган пуллардир. Кредитга уй, машина ёки маиший техника буюмлари олаётганларни балки тушунса бўлар. Улар қимматига бўлса ҳам мулк ёки ашё сотиб олишмоқда. Аммо бугун банклар тақдим этаётган микроқарзлар (мақсадсиз сарфласа бўладиган кредитлар) ҳам сероб. Уларнинг ўртача фоизи 30-40 фоизга тўғри келади. Марказий банк тақдим этган маълумотларга кўра, ҳатто йиллик 41-43 фоизгача тўлов ундирадиган банклар ҳам мавжуд. Бу – олган қарзингизнинг қарийб ярми миқдорида фоиз ҳам тўлайсиз, дегани.

Кредит фоизларининг юқорилиги ва бошқа ноқулайликлар етмаганидек, айримлар уни енгил-елпи мақсадларга сарфлаб, катта қарзга ботиб қолишмоқда. Энг ёмони, бундай аҳволга маош ҳисобига кун кўрадиган ўрта қатлам тушяпти.

Воҳа томонда истиқомат қилувчи юртдошимиз ҳикоя қилади: *«Оддий мардикорлик билан кун кўрадиган бир ҳамқишлоғимиз банкдан жуда катта миқдорда кредит олган. Расмий даромади бўлмаган, ҳеч жойда тайинли ишламайдиган бу йигит бунча пул олишни қандай уддалади, бехабарман. Аммо маблағнинг катта қисми 1xBet ёки шунга ўхшаш қимор ўйинларига тикиб юборилган. Қолгани ҳам тайинли мақсадларга сарфланмаган. Оқибатда қарз тўланмай қолиб кетди, унинг устига фоизлар минди. Банк қарздорни судга берди, иш МИБга ўтди. Ҳалиги йигит Россияга бориб ишлаб келай деса, хорижга ҳам чиқа олмайди. Уй-жойи ўзининг номида экан, шартта келиб, ҳовлини хатлашди. Бешта жўжабирдай жон кўчада қолди. Ҳозир ўша йигит оиласи билан қишлоқнинг чеккасидаги хароба уйда бир амаллаб тирикчилик қиляпти...».*

Бу бизнинг замонамизда рўй берган реал воқеа.

Қимор ва кредит бирга юриши беҳикмат бўлмаса керак. Чунки одатда тадбирли кишилар катта фоизлар эвазига қарз олишни маъқул кўрмайдилар. Ўйламасдан қарз олаётганлар эса катта даромад илинжида ҳаттоки йирик йиллик фоизларни ҳам писанд қилмай таваккалга қўл урадилар.

Афсуски, интернет тармоғида қимор гирдобига тушиб қолиб, катта маблағларни, ҳатто пенсионерлар, оддий ишчилар маошларини тикиб юбораётган шахслар ҳам бот-бот учрайдиган бўлиб қолди. Масалан, шундай мавзудаги хабарлардан бири яқинда эълон қилинди. Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Яшнобод тумани бўлими томонидан тижорат банки мурожаатига асосан ўтказилган терговга қадар текширувлар давомида шу туманда жойлашган банк филиалида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келган Э.Н. жиноий схемага қўл ургани аниқланган.

Маълум бўлишича, у «А» МЧЖ масъуллари ва бошқа шахслар билан ўзаро тил бириктириб, «В.В.» МЧЖ номига 120 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилишига эришган. Кейинчалик қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириш орқали ушбу кредит маблағлари нақд пулга айлантирилиб, интернет орқали қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга сарфланган. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) ҳамда 228-моддаси (ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан жиноят иши қўзғатилди.

Эътибор беринг: 120 минг доллар ҳатто америкалик учун ҳам кичкина маблағ эмас. Шунча пулни қўрқмасдан, ҳайиқмасдан қиморга тикиш учун одамда қандай юрак бўлиши керак? Банкир кредит пулларини қиморга қўяётганда, 1 млн. доллар ютиб, ўзини еттинчи осмонда тасаввур қилган бўлса, ажаб эмас.

Шаҳрисабзлик муҳожирнинг ҳикояси ҳам анча аянчли.

Совуқ Ёқутистон ўлкасида беш йил меҳнат қилган бу йигит катта маблағ ишлаб топади. Бу пул билан Ўзбекистонга қайтиб, уй, қимматбаҳо автомобиль сотиб олиш ёки тадбиркорлик қилиши мумкин эди. Аммо «азарт»га кириб, қиморга пул тикди. Ўзи спортни мутлақо тушунмаса ҳам, ўйлаб ўтирмасдан турли жамоаларга маблағ сарфлади. Қани энди омади келса. Унга ишониб, беш йил кутган қизнинг ҳам тоқати тоқ бўлди ва турмушга чиқиб кетди. Бир амаллаб Ўзбекистонга қайтган йигит мактабда ўқитувчилик қиладиган опаси номига кредит олди ва униям қимор ўйинларида ютқазди. Энди бир йўл қолганди – яна Россияга «суриш». Ҳартугул, уни чегарадан ўтказишди. Энди у қарзларини тўлаш учун тинмай ишламоқда. Ёш 35 га қараб кетди. Ўртада ютқазилган 7-8 йил умр ва ҳавога учган ўн минглаб доллар пул қолди...

Ёнингизда бундай ва бундан баттар тақдир эгалари кўпайиб бораётган бўлса, ажаб эмас. Ҳатто ўз жонига қасд қилиб, умри билан қарз ва қимор бадалини тўлаётганлар бор. Лекин тийиқсиз кредит олишни чекловчи айрим ишлар амалга оширилганини ҳам айтмасак бўлмайди. Масалан, 2026 йил 1 мартдан бошлаб жисмоний шахслар учун истеъмол кредитлари ва микроқарзларнинг максимал миқдори даромадга боғланиши белгилаб қўйилди. Даромад аниқланганда қарз миқдори ўртача ойлик даромаднинг 8 бараваридан, аниқланмаганда эса 5 бараваридан ошмаслиги керак. Агар қарз олувчининг ўртача ойлик даромади 5 миллион сўмни ташкил этса, унга бериладиган истеъмол кредити ёки микроқарз миқдори даромадининг 8 бараваридан, яъни 40 миллион сўмдан ошмаслиги керак. Бунда белгиланган чекловлар якка тартибдаги тадбиркорларга ажратиладиган кредитларга ҳамда таълим кредитларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Бизнингча, кредит ажратилиши жараёнини янада қатъийлаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки айрим кишиларда молиявий саводхонлик етарли эмас.

**Шу ўринда битта таклиф: Республика маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа масъул ташкилотлар банклар билан келишган ҳолда жойларда кишиларни кредит олиш хатарлари ва онлайн қимор хавфидан огоҳлантириш бўйича тренинглар ва тушунтириш ишларини йўлга қўйса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ва албатта, ОАВ бу ҳақда тинимсиз бонг уриши кераккки, тийиқсиз кредит олишлар ва қиморлар одамларимизни кафангадо қилмасин.**

**Аброр ЗОҲИДОВ**
*«ISHONCH»*

---

Орамиздаги одамлар

**Фориш туманидаги Ўрта сайёд қишлоғида яшовчи 59 ёшли Эрмон Абдалимов ёғочдан уй-рўзғор буюмлари ва ўйинчоқлар ясайди. Бу ҳунарни у болалигида отасидан ўрганган. Сўнгги 9 йилда эса ёғочсозликни даромад манбаига айлантирди. Дастлаб, қошиқ, чўмич, куви, кели тайёрлади. Кейин олармонлар эҳтиёжига мослашиб, маҳсулотлар турини 100 тадан оширди.**

# ҲУНАРДАН БАРАКА УНАР

Туман аҳолиси, Форишга келган сайёҳлар унинг асосий харидорлари ҳисобланади. Ясаган буюм ва ўйинчоқларини сотиш мақсадида маданий-маърифий ва туризм йўналишидаги тадбирларда ҳам фаол қатнашади.

Эрмон Абдалимовнинг ижодий ишлари қўл меҳнатига асосланган. Қолаверса, маҳсулотлари экологик жиҳатдан тоза бўлгани учун харидорлар томонидан яхши қабул қилинмоқда.

– Асосий хомашёмиз – тол, ёнғоқ, тут ва терак ёғочлари, – дейди ҳунарманд. – Айримлар бўқоқни даволаш мақсадида ёнғоқдан, баъзилар тил хасталикларининг олдини олиш учун толдан тайёрланган қошиқларни буюртма қилишади. Эсдалик совғалар ва ўйинчоқларнинг ҳам ишқибози анча. Кейинги йилларда олма ва ўрик дарахти ёғочидан фойдаланишни ўзлаштирдим. Бундай хомашё куз ва қишда қўл келади. Яъни баҳор ва ёзда ҳарорат туфайли ишлов бериб улгурмасингдан ўрик ва олма ёғочи ёрилиб кетади. Бу ҳунарнинг ёқимли томонлари кўп, хусусан, ишлаётганингизда дунё ташвишлари чекинади, кўнглингиз хотиржам бўлади.

Бугунгача ўнга яқин шогирд тайёрлаган уста фаолиятини кенгайтириш ниятида. Чунончи, келгусида ёғочга ишлов берадиган дастгоҳлар олишни режалаштиряпти. Ана шунда маҳсулотларининг сифати, миқдори ва даромади ҳам ортади.

Айтганча, Эрмон ака битта дарахтни кесса, ўнтасини экади. Бу хомашё масаласини ҳал қилиш билан бирга, табиатга етказиладиган зарар ўрнини ортиғи билан қоплашга хизмат қилмоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**
*«ISHONCH»*

Бир ўзинг холи қолганда ҳам бадхоҳ ишга қўл урма, ёмон сўз айтма. Бошқаларга қараганда ўз-ўзингдан кўпроқ истиҳола қилишни ўрган.

Демокрит




Тақдимот

# ХОРАЗМ ОЛМОНЛАРИ ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

**Бундан қарийб бир ярим аср олдин Европадан кичик бир қавм Хоразм хонлигига кўчиб келади. Меннонитлар номи билан танилган хорижликлар олмон миллатига мансуб эди. Уларнинг минглаб чақирим йўл босиб, бегона юрт, ўзга тил, бегона дин вакиллари юртидан бошпана сўраб келишига ўзига яраша сабаблар бор эди, албатта.**

1496-1561 йилларда Нидерландияда яшаб ўтган Менно Симонс исм-шарифли насроний руҳонийси ўз қавмдошлари орасида янгича қараш ва ғояларни илгари суради. Унга кўра, меннонитлар асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб, жамоа бўлиб яшашган. Мулкига ёки жонига тажовуз қилганларга жавоб қайтаришни, урушларда қатнашишни, умуман одам ўлдиришни оғир гуноҳ, деб ҳисоблашган.

Айнан давлатлар ўртасида тез-тез урушлар бўлиб турадиган ўша замонларда ўзлари яшаб турган ҳудуд қиролининг қўшинига одам беришдан бош тортишлари уларнинг қувғин қилинишига, юртма-юрт саргардон кезишига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, 1880 йиллар бошида меннонитларнинг бир гуруҳи бошпана сўраб Хоразм хони Саид Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз)га мурожаат қилишади. Хон уларга Хива яқинидан ер ажратиб беради. Ўзга дин вакилларига хонликда ҳурмат билан муносабатда бўлинишини таъминлаш, уларга ҳар қандай зўравонликни тақиқлаш, меннонитларни 1 йилга ер солиғидан, 4 йилга ариқларни қазиш, уйларни таъмирлаш ва шу каби бошқа жамоат ишларидан озод қилиш тўғрисида фармон беради.

Меннонитлар маҳаллий деҳқончилик учун одатий бўлмаган картошка, бақлажон, помидор, бодринг, карам ва ҳар турли зираворлар етиштириш, чорвачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишган.

Улар, айниқса, ҳалоллиги, ўзганинг ҳақига хиёнат қилмаслиги билан маҳаллий аҳолининг ҳурматини қозонган. Шу боис айрим хоразмликлар ўзларининг мол-ҳол ва дон-дунларини ўғрилардан сақлаш учун айнан меннонитларга бериб қўйишган.

Меннонитларнинг ёғоч ўймакорлиги ва ҳунармандчилик борасида ҳам моҳир эканлиги тез орада тилга тушган. Бадавлат хоразмликлар уйларининг эшик ва дераза ромларини ясашни, пол қилишни уларга топширишган. Ўзига тўқ хиваликларнинг хонадонидан улар ясаган стол-стул, жавон, бошқа ошхона жиҳозлари жой олган.

XX аср бошида Хивада қурилган ва хоннинг расмий қабуллар учун мўлжалланган қароргоҳи бўлган Нуриллабой саройи қурилишида ҳам меннонитлар фаол иштирок этишган. Улар Россиядан келтирилган эман ва заранг дарахтлари ёғочидан саройнинг эшик ва деразаларини, карнизларини ҳамда маҳаллий меъморчилик учун янгилик бўлган мураккаб геометрик шаклга эга паркет полини ясашган.

Хива ва унинг атрофида яшовчи аҳоли фарзандларини немис тилини ҳамда маҳаллий халқ орасида урф бўлмаган касбларни ўрганиши учун меннонитларга шогирдликка беришган. Масалан, биринчи ўзбек фотографи ва кинооператори Худойберган Девоновни сураткашликка ошно этган ҳам айнан олмон муҳожири Вильгельм Пеннер эди.

Совет ҳокимияти эса маҳаллий аҳоли билан аҳилликда, яхши қўшни бўлиб яшаб келаётган меннонитларнинг тинч ҳаётига яна оғу солади. 1937 йилнинг совуқ қиш тунларидан бирида улар ёппасига сургун қилинади. Ҳовли-жойлари, мол-ҳоллари қолиб кетади, ҳатто айримлар қозонида пишиб турган овқатини ейишга ҳам улгурмайди...

Журналист, ёзувчи Нур Аҳмад узоқ йиллик изланишлари натижасида асли Нидерландияда яшаган олмон миллатига мансуб меннонитларнинг Хивага келиб қолиши, бу ердаги ҳаёти, кечмишларига бағишланган «Хоразм немислари» номли ҳужжатли қиссасини ёзди. Унда юқорида баён этилган воқеалар, яъни меннонитларнинг машаққатли ҳаёти бадиий бўёқларда, қизиқарли ва жонли тарзда ёритиб берилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган тақдимотда таниқли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар иштирок этишди. Улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Хоразм немислари» ҳужжатли қиссасининг халқимизга хос бағрикенглик, ўзгаларга меҳр кўрсатиш каби фазилатлар соҳиби экани ҳақида маҳаллий, ҳам чет тилли ўқувчиларга қимматли маълумотлар беришини таъкидлашди. Шунингдек, асар тарихимизнинг маълум бир даври ҳақидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилиши тўғрисида сўз юритишди.

**Дармон ИБРОҲИМОВ**
*«ISHONCH»*




**Фарғона шаҳри кўчаларида пешлавҳа, эълон ва ташқи рекламаларнинг соф ўзбек тилида ёзилганларини топиш амримаҳол. Дўконлар, гўзаллик салонлари, овқатланиш ва ҳатто оддий хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ажнабий номлар билан «безалган».**

Мулоҳаза

# ТИЛ БЕФАРҚЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

## Ажнабий номлар билан бежалган Фарғона кўчаларидаги оғриқли ўйлар

«Hello Fergana», «Bonjour», «Kannam chicken», «Central festival», «Level up women», «Miss bella», «Mon Pion», «MMM shop», «Barbershop», «Wedding & beauty salon», «Sale», «MenS life», «Monroe salon», «BBQ MSK burger» каби номлар деярли ҳар қадамда учрайди. Бундай «манзара»ни нафақат марказий кўчалар, балки туманларда ҳам кўриш мумкин. Савол туғилади: нега биз ўз ихтиёримиз билан ажнабий сўзларни устун қўймоқдамиз?

Ваҳоланки, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунда лавҳалар, эълонлар, нархномалар... матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, «Реклама тўғрисида»ги қонунга кўра, мамлакатимиз ҳудудида реклама давлат тилида тарқатилади, қўшимча равишда унинг таржимаси бошқа тилларда такрорланиши мумкин.

Бугунги кунда кимлар учундир «shop» сўзи «дўкон»дан кўра жозибалироқ, «beauty studio» «гўзаллик салони»дан замонавийроқ шекилли. Ёки бўлмаса, «катта чегирма» тушунарли бўла туриб, «мега скидка» деб ёзиш кимга керак? Янги дўкон ёки емакхона иш бошлаганини эълон қилиш учун «мы открылись»дан фойдаланиш қанчалик тўғри? Автомобилларни ювиш шохобчаларини «мой сам», «car wash», сартарошхонани «Barbershop» деб ёзиш оддий ҳолга айланганига нима дейсиз?

Энг қизиғи, ажнабий номлар берилган дўконлар ва емакхоналарга кирсангиз, мижозлар ҳам, хизматчилари ҳам деярли барчаси ўзимизнинг қора кўзлар. Асосий истеъмолчи маҳаллий аҳоли экан, номлар нега ажнабий эканидан ажабланасиз.

Айрим тадбиркорлар ташқи реклама, эълон бериш ёки ном танлашда давлат тилини иккинчи ўринга суриб қўйишмоқда. Йўллар ёқасидаги «Madina food», «Jony time», «Mega moyka» сингари номларни кўраверib, кўз «пишиб кетди». Аслида аввал ўзбекча матн, кейин унинг бошқа тилдаги таржимаси ёзилиши керак-ку! Кўп жойларда дўкон номининг давлат тилидаги таржимаси йўқ.

Қонунларда давлат тили мақоми белгилаб қўйилган. Аммо амалда-чи?

Афсуски, ташқи рекламалар ва номларда давлат тили меъёрларига амал қилинмаяпти. Айрим тадбиркорлар учун қонуний талаблар ҳеч нарсани англатмаяпти.

Тил – миллатнинг руҳи, тарихи ва келажаги. Уни асраш фақат филологлар ёки давлат идораларининг вазифаси эмас, балки ҳар биримизнинг бурчимиздир. Агар биз бугун тилимизга бефарқ бўлсак, эртага фарзандларимиз уни иккинчи даражали, деб қабул қилиши мумкин.

Тил эса бефарқликни кечирмайди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
*«ISHONCH»*







Хотира

# ҚАЛБЛАР КИМЁГАРИ

Ишдан уйга қайтиб, эшикни очар эканман, қизим қўлида Пауло Коэльонинг инглиз тилидаги «Алкимёгар» асари билан кутиб олди.

– Ойи, тугатдим! – деди у хурсандлик билан.

Аввалига шу китобни «Олиб беринг!» деганида шунчаки «Инглиз тилини ўрганаётгани учун ўқимоқчидир-да», дея ўйлагандим. Аммо унинг сўзлашидан билдимки, қизим уни фақатгина ўқимабди, балки ичида яшабди. Қаҳрамоннинг йўли, белгилар, тақдир, орзу, юрак овози... У жўшиб гапирар экан, мен шунда 20 йил ортга, китобни танлаб ва тушуниб ўқишни ўргатган Муҳаббат Шарафутдинованинг дарсларига қайтдим...

8-аудитория. Эркин ўрнатилган стол-стуллар. Парта устида «Алкимёгар» асари. Доска олдида эса устозим. У китобни ўқиш эмас, балки уқиш тилсимини ўргатарди. Кулганда аудитория ёришиб кетарди. Жаҳл қилганини эса ҳеч кўрмаганмиз, фақат бир оғиз, ўйлантирувчи жумла айтарди, биз ерга қараб қолардик. У нодир асарларни биз билан биргаликда муҳокама қилиш орқали, аввало, ўзбек, қолаверса, жаҳон адабиётига бўлган қизиқиш ва ҳурматимизни оширган. Айниқса, «Ўткан кунлар» ва «Кеча ва кундуз» асарларига бағишланган дарслар ҳалигача эсимда. Бир сафар Муҳаббат опа «Алкимёгар» китобини ўқиб келишимизни буюрди. Келаси дарсда биз асар мазмунини гапириб берса керак, деб кутдик. Устоз эса китобни ёпиб қўйди.

«Асарни ҳикоя қилиб беришингиз шарт эмас. Менга муаллифнинг қалбини топиб беринглар», деди. Синфга сукунат чўкиб, ҳаммамиз жим бўлиб қолдик.

Мулзам бўлиб турганимизни кўрди-да, саволни бошқачароқ берди:

– Ёзувчи нима демоқчи? Қайси жойида у сиз билан сирлашяпти?

Бирин-кетин қўллар кўтарилди. Кимдир ёзувчининг ғоясини таҳлил қила бошлади. Яна бошқа биров асар қаҳрамони билан ўзини таққослай бошлади. Хуллас, дарс қизғин мунозараларга бой бўлди. Ва ана шу баҳслар ортидан биз ёзувчининг қаҳрамон тилидан «айттирган» жумлалари, хулосаларини ўйлаганимиздан-да чуқурроқ англадик.

Шунда тушундимки, адабиёт сирли олам экан. Чунки асарни ҳар ўқиганингда ўзинг учун янги маъно кашф этасан. Битта асарни 10 киши ўқиб, 10 хил хулоса чиқаради.

Устознинг ўзига хос услублари бор эди. Бизга китобни ўқитмас, унга киришни ўргатарди. Ҳеч қачон тайёр фикр айтмасди. «Бу ерда муаллиф нимани яширган?», «Қаҳрамон рост гапиряптими?», «Агар сиз ёзувчи бўлганингизда, асарнинг тугашини ўзгартирган бўлардингизми?» каби саволлар берарди. Аввало, бу саволлар бизни ўйлашга мажбур қиларди. Китобни тушунишни, ёзувчининг ғоясини таҳлил қилишни ўргатарди.

Муҳаббат опа яна бир гапни таъкидларди: «Асарни эмас, ўзингизни ўқинг. Китобда сиз ҳақингизда гапирган жойини топинг». Ана шу гаплардан кейин асардаги айрим жумлаларни ҳаётий хулосаларимиз билан боғлашга ёки таққослашга ҳаракат қилардик. Хуллас, 80 дақиқалик дарс бирпасда ўтиб кетганини билмай қолардик. Дарс якунида янги асар номи эълон қилинар ва бир ҳафта ичида ўша китобни топиб ўқиб боришимиз керак эди. Шу боис машғулотдан чиқибоқ, икки гуруҳга бўлинардик. Ярмимиз Чорсу бозоридаги Турон кутубхонасига, ярмимиз Навоий кутубхонасига кетардик. Мақсадимиз – ҳаммадан олдинроқ бориб китобни олиш. Китоб навбат билан, қўлма-қўл ўқиларди. Энг муҳими, бу мажбурият эмас, қизиқиш ва ички истак-хоҳиш билан бўларди.

Дарс бошланишида барчамиз ҳаяжон билан ўтирардик. Ҳамма тайёрланиб келган, асар муҳокамаси қизғин кечадиган имтиҳон эди гўё. Баъзи кунлари айрим дарслар бошлангунича ёки танаффусда ҳам ҳафтанинг ҳар сешанба куни бўладиган «Адабиёт назарияси» дарсига тайёргарлигимизни муҳокама қилиб қолардик. «Дарсга тайёрмисан?», «Асарнинг нечанчи бетига келдинг?», «Китобни қандай топдинг?»...

Биз қизлар эса баъзида Муҳаббат опанинг нафақат дарс билан боғлиқ мулоҳазаларини, балки ўзини тутиши-ю, ички маданияти, аёллик нафосати-ю, гўзаллигини ҳам ҳурмат ва ҳавас билан гапирардик. Балки устознинг фанига бўлган муҳаббатимиз унинг шахсиятига бўлган ҳурмат орқали ҳам уйғонган бўлса, ажаб эмас. Зеро, у ана шундай юксак даражадаги, ҳақиқий устозлик мақомига етган инсон эди.

Аммо, минг афсуски, олижаноб, зукко, ўз фанининг билимдони бўлган устоз ҳаётни эрта – 62 ёшида тарк этди. 2013 йили бу ҳақдаги хабарни эшитиб, биз – Муҳаббат опа ўқитган бир гуруҳ талабалар қулоғимизга ишонмаганмиз. Оғир хўрсиниб, ҳаётнинг кутилмаган ишларидан ҳангу манг бўлиб қолганмиз.

Хотиралар фақат дарслар билан тугамайди. Бир манзара борки, у юрагимда муҳрланиб қолган. Талабалар ётоқхонасида яшардик. Ўқитувчилар навбат билан келиб туришарди. Бир куни ошхонада навбатчи эдим. Овқатга вақтлироқ уннаб, унга кўз-қулоқ бўлиб турсам, бирин-кетин қозон кўтарган қизлар кириб кела бошлади. Уларнинг ортидан эса Муҳаббат Озодовна!

Шошиб қолдим. Хонамизга таклиф қилдим. У эса аввал ҳол-аҳвол сўради, нима юмуш билан бандлигимга қизиқди.

– Аввал бошқаларни ҳам кўрай, кейин сизларнинг олдингизга, – дедилар. Ва мен устозга эргашдим. Улар хонама-хона юрар экан, қизларнинг ёнига кириб, шунчаки «Ўқишлар қалай?» дейиш билан кифояланмасдан, «Қийналмаяпсизларми?», «Уйингизни соғинмаяпсизларми?» деб сўради, мулоқот қилди. Кўчадаги фаст-фудларни кўп еманглар, иссиқ овқатнинг ўрнини ҳеч нима босолмайди, деган мазмунда гапирдилар. Устознинг қизлар билан мулоқотини кўриб, онамнинг ғамхўрлиги эсимга тушди, меҳрни ҳис қилдим.

Кейин бизнинг хонамизга кирди. Ўша куни пиширган оддийгина таомимизни биз билан бирга еди. Меҳмон эмас, худди оила аъзосидек



ўтирди. Ўша суҳбатда устозни бошқа томондан кўрдик. У ўз оиласи, фарзандлари, турмуш ўртоғи, неваралари ҳақида гапирди.

Дарвоқе, Муҳаббат опа, машҳур адабиётшунос олим, публицист – Озод Шарафутдиновнинг қизлари эканини айтиш ёдимдан чиқибди. Ўзим шу ёшгача таниган-билган машҳур инсонлар ичида, улардек отасига муносиб, доно ва зиёли аёлларни кам кўрганман.

Йиллар ўтди. Бугун болалар китоб ўқимаяпти, деймиз. Лекин Муҳаббат Озодовна қандай ўқитганини эслайман. У мажбурламасди, қизиқтирарди. Буюрмасди, мустақил фикрлашга чорларди.

Ўйлаб қоламан, замонамизга бизга китобни севдирган Муҳаббат Озодовнадек етук педагоглар етишмаяпти. Қанийди, улар каби, аввало, боланинг қалбини уйғота оладиган устозлар кўп бўлса!

Муҳаббат Шарафиддинова баъзида «Бир дақиқа асар ҳақида» деган челленж ҳам ўтказарди. Унда ўқишга берилган китоб ҳақида навбат билан бир дақиқа қисқа ва лўнда фикр юритардик. Охирида устоз савол берарди:

«Ёзувчи бу асар орқали нима демоқчи?», «Қаҳрамон ҳаракатлари орқали қандай хулоса чиқариш мумкин?», «Агар шу воқеа реал ҳаётда бўлса, сиз нима қилган бўлардингиз?», «Бош қаҳрамон қайси жойда тўғри иш қилди, қайси жойда хато қилди?», «Асардаги қайси образ сизга яқин туюлди ва нимаси билан?», «Асардаги муаммо бугун ҳам борми?», «Бу асар сизга нимани ўргатди?».

Назаримда, бугун мактабдаги адабиёт дарсларида ҳам шу каби усуллардан кўпроқ фойдаланиш керак. «Қаҳрамон билан суҳбат», «Қаҳрамон билан интервью» каби мавзуларда иншо ёздириш ҳам ўқувчиларга адабиётни севдиришда муҳим ёрдамчи бўлади. Аммо, энг муҳими, оилада бўлиши керак. Фарзандларимизга китоб совға қилиш, аввало, ўзимиз уларга кўрсатиб китоб ўқишимиз, таассуротларимизни улар билан бўлашиш ҳам жуда яхши самара беради.

Қолаверса, муаллим китобни ўқитиши эмас, уни тушунишнинг калитини бериши керак. Калит эса қизиқиш, суҳбат, савол-жавоб, ўқувчига ҳурмат ва меҳр орқали амалга ошади. Муҳаббат Озодовна шуни биларди.

Қизим томонидан бўлган «Алкимёгар»нинг инглизчасини олиб беринг!» деган яхши талабга ҳам мен ўша устоз ўргатган, юқоридаги тавсияларга озми-кўпми амал қилганлигим туфайли эришдим. Шу боис қизим «Алкимёгар» ҳақида жўшиб гапираётганида унинг кўзларида Муҳаббат Озодовнани кўрдим. Бу тасодиф эмас, устоздан менга, мендан қизимга ўтиб келаётган адабиётга муҳаббат.

Оддий дарслари орқали ана шу туйғуларни юқтира олгани, қалбимизни уйғота олганликлари учун Муҳаббат Шарафутдиновадан умрбод миннатдормиз.

**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



*Насиба Абдуллаева ижросида*
«БАХТ ЎЗИ НИМАДИР?» ҚЎШИҒИ

*Бахт ўзи нимадир, мен билолмадим,*
*Севги нима экан, тушунолмадим.*
*Аммо армонларнинг азобларидан,*
*Қанча тиришсам ҳам, четда қолмадим.*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси Федерация аппаратининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Гулчеҳра Мардоновна Жўраевага онаси

**Озода ая РАҲИМЖОНОВА**

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

**2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:**

**Qudratilla RAFIQOV**
*(tahrir hay'ati raisi),*
**Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – **(71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot – **(71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – **(71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – **(71) 256-85-43**
Marketing va obuna – **(71) 256-87-73**

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-94) 688-00-27
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-91 193-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:**
Alijon ABDURAHMONOV

**Musahhihlar:**
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

**Sahifalovchi:**
Hasan ABDUJALILOV

**Bosishga topshirish vaqti –** 21:50
**Topshirildi –** 22:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:**
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 35 306 та**

**Shundan: 6 701 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**

**19 426 nusxasi**
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**

**9 179 nusxasi**
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-211**

1 2 3 4 5 6